

ЭЖУДАН КЕЙИН ТГСДА БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ

Камалов А.И., Юсупова Д.

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Аннотация. Тухумдонлар гиперстимулятсия синдроми (ТГС) овуляция индукцияси ва экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) дастурларида қўлланиладиган гонадотропинлар таъсирида ривожланиб, капилляр ўтказувчанликнинг ошиши, суюқликнинг экстравакуляр майдонга чиқиши, гемоконцентрация ва тромбоэмболик асоратлар хавфи билан тавсифланади.

Калит сўзлар: тухумдонлар гиперстимулятсия синдроми; ЭКУ; овуляция индукцияси; VEGF; IL-6; АМН; эндотелиал дисфункция; оксидловчи стресс; тромбопрофилактика; комплекс реабилитация; телемониторинг.

Тухумдонлар гиперстимулятсия синдроми (ТГС) овуляцияни индукция қилиш ва экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) дастурларида қўлланиладиган гонадотропинлар билан боғлиқ энг муҳим ятроген асоратлардан бири ҳисобланади. Репродуктив технологиялар камрови кенгайиб бораётган шароитда ТГС учраш частотаси сақланиб қолмоқда ва айниқса оғир шаклларда гемоконцентрация, асцит, электролит дисбаланси, буйрак функциясининг бузилиши, тромбоэмболик асоратлар каби ҳаёт учун хавфли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ТГСни олдини олиш, эрта ташхислаш ва клиник бошқарувни такомиллаштириш репродуктив тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

ТГС патогенезида капилляр ўтказувчанликнинг ошиши, эндотелиал дисфункция, яллиғланиш каскади ва оксидловчи стресс муҳим ўрин тутди. Бироқ амалиётда кўп ҳолларда асосий эътибор фақат ўткир даврни баргараф этишга қаратилган бўлиб, тикланиш (реабилитация) босқичи етарлича стандартлашмаган: беморни кузатиш муддати, биомаркерлар динамикасини баҳолаш, нутритив қўллаб-қувватлаш, психоэмоционал ҳолатни барқарорлаштириш ва кейинги циклларга тайёрлаш масалаларида ягона интегратив ёндашув етишмайди. Бу эса такрорий хавфни камайтириш ва репродуктив натижаларни яхшилаш имкониятларини чеклайди.

Тадқиқот мақсади

ТГС билан оғриган аёлларда клиник, биокимик, гормонал ва психоэмоционал ўзгаришларни комплекс баҳолаш ҳамда уларни инобатга олган ҳолда даволаш ва реабилитацияни оптималлаштирувчи илмий асосланган комплекс алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқот материали ва усуллари

Тадқиқотга репродуктив ёшдаги 120 нафар аёл киритилади:

Асосий гуруҳ (n=60): стандарт терапия + комплекс реабилитация (физиотерапия, нутритив, психологик ёрдам).

Назорат гуруҳи (n=60): фақат стандарт протокол бўйича терапия.

ТГС оғирлик даражаси ESHRE ва ASRM мезонлари асосида (енгил, ўртача, оғир) баҳоланди.

Хулоса

ТГС репродуктив тиббиётда кўп омилли патогенезга эга, клиник жиҳатдан турлича кечувчи ва асоратлар хавфи юқори бўлган ҳолатдир. Шу сабабли даволашни фақат симптоматик ёндошув билан чекламасдан, эндотелиал-яллиғланиш механизми, гормонал баланс, оксидловчи стресс ва психоэмоционал ҳолатни бир бутун тизим сифатида баҳолайдиган комплекс реабилитация асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Таклиф этилаётган тадқиқот натижалари ТГС билан оғриган аёлларда саломатликни тез ва барқарор тиклаш, репродуктив функцияни асраш ҳамда асоратларни камайтиришга хизмат қилади.

АДАБЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Royal College of Obstetricians and Gynaecologists. (2016). *The management of ovarian hyperstimulation syndrome (Green-top Guideline No. 5)*. London: RCOG.
2. Tan, S. L., & Mathur, R. (2013). The management of ovarian hyperstimulation syndrome. *Human Fertility (Cambridge)*, 16(3), 160–161. doi:10.3109/14647273.2013.844682
3. The ESHRE Guideline Group on Ovarian Stimulation. (2020). ESHRE guideline: Ovarian stimulation for IVF/ICSI. *Human Reproduction Open*, 2020(2), hoaa009. doi:10.1093/hropen/hoaa009
4. Tang, H., Hunter, T., Hu, Y., et al. (2021). Dopamine agonists for preventing ovarian hyperstimulation syndrome. *Cochrane Database of Systematic Reviews*, 2021(5), CD008605. doi:10.1002/14651858.CD008605.pub4
5. Youssef, M. A. F. M., et al. (2014). Gonadotropin-releasing hormone agonist versus hCG for oocyte triggering in antagonist-assisted reproductive technology cycles. *Cochrane Database of Systematic Reviews*, 2014(10), CD008046. doi:10.1002/14651858.CD008046.pub4
6. Leitao, V. M., Moroni, R. M., Seko, L. M., Natri, C. O., & Martins, W. P. (2014). Cabergoline for the prevention of ovarian hyperstimulation syndrome: Systematic review and meta-analysis. *Fertility and Sterility*, 101(3), 664–675.

7. Wormer, K. C., Jangda, A. A., El Sayed, F. A., Stewart, K. I., Mumford, S. L., & Segars, J. H. (2018). Is thromboprophylaxis cost effective in ovarian hyperstimulation syndrome: A systematic review and cost analysis. *European Journal of Obstetrics & Gynecology and Reproductive Biology*, 224, 117–124. doi:10.1016/j.ejogrb.2018.03.028